

Алоуддин Мухаммад Хоразмшоҳ
(тахм. 1152-1200-йил 3-июл)
(1172-1200)

Хоразмшоҳлар давлатида ҳукмронлик қилган ануштегинийлар сулоласи вакили. Тўлик исми Алоуддин Такаш ибн Эларслон ибн Отсиз ибн Ануштегин.

Такаш отаси Эларслон вафоти арафасида Жанд вилояти волийси бўлиб турган. Шунинг учун Эларслон кенжа ўғли Султоншоҳни валиахд қилиб тайинлайди ва Султоншоҳ тахтга ўтирган (1172-йил). Такаш Султоншоҳни тан олмаслигини айтгач, Султоншоҳ унга қарши онаси маслаҳати билан қўшин жўнатган. Такаш эса қорахитойлар маликаси Чен Тиён (1164-1177-йиллар)га ҳар йили ўлпон тўлаб туриши ҳақида ваъда бериб, ўғай укаси Султоншоҳ билан қурашиш учун ҳарбий ёрдам сўраган ва ундан олган қўшин билан Гурганч (Қўхна Урганч)га юриш қилган. Султоншоҳ ва онаси Туркон хотун Хуросонга қочган. Гурганчни қўлга қиритгач, Такаш 1172-йил 11-декабрда халқнинг мадади билан расман Хоразм тахтига ўтирган. Лекин, укаси билан Хоразм тахти учун яна 20 йил қураш олиб боришга мажбур бўлган.

Султоншоҳ вафотидан сўнг Хуросоннинг Толикон - Марвируд - Хирот йўналишидаги ерлар Такашга ўтган. У ўғли Носируддин Маликшоҳни Марвга, бошқа ўғли Қутбиддин Мухаммад II ни Нишопурга волий қилиб тайинлаган. Шундан сўнг Такаш Шаркий Эронга ўз таъсирини ўтказиш билан бирга, Ғарбий Эрон ишларига ҳам аралаша бошлаган. Такаш Султоншоҳга қарши қурашаётган вақтида (1172-1193-йиллар) гурийлар, салжукийлар ва аббосий халифалар, ҳатто баъзан қорахитойлар билан ҳам яхши муносабатларни сақлаб улар билан дўстона мактублар ёзишиб турган (бу мактублар мазмуни сақланиб қолган).

1192-93-йилларда салжукийлар султони Тўғрул III Такаш билан яхши муносабатни сақлаш учун унинг ўғли Юнусхонга ўз кизини берган ва сулх шартномасини тузган, бунга қўра Рай хоразмшоҳ мулки деб тан олинган. Лекин, Тўғрул III шартномани бузган. Тўғрул III га халифа ан-Носир ҳам қарши бўлиб, у Такашга мактуб ёзиб Тўғрул III га қарши қурашда ёрдам сўраган. Такаш 1194-йил 4-мартдаги жангда Тўғрул III қўшинларини мағлубиятга учратиб, унга қарам ерларни ўз тасарруфига қўшиб олган, лекин, халифага ўлжадан ҳеч нарса тегмаган. Бу улар ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига олиб келган. Тўғрул III вафот этгач, Эрон ва Ироқи Ажам ерлари Хоразмга ўтади, салжукийлар сулоласи барҳам топади.

Такаш ўша йилдан эътиборан “султон” унвонини қўллай бошлайди. У 1195-йилда Қирмонни ўзига бўйсундирган. Умрининг охириги йилларида исмоилийлар билан муваффақиятли қураш олиб борган. 1200-йил халифа билан муносабати яна ёмонлашган Такаш Бағдодга юриш қилган, лекин ярим йўлда Нишопур ва Хоразм оралигидаги Шахристон шаҳрида вафот этган. Такашнинг жасади Гурганчга келтирилиб ўзи қурдирган катта мадраса қошидаги макбарага дафн қилинган.

Ўрта аср муаллифларининг ёзишича, Такаш адолатпарвар, иқтидорли, буюк дипломат ва лашкарбоши бўлган. Такаш мусикани севган, удни жуда яхши чалган, ҳозиржавоб бўлиши билан бирга сиёсий ахволни тўғри баҳолаб, ҳарбий қуддан тўғри фойдалана олган.

Такаш кипчок хони Жонкишининг кизи Туркон хотунга уйланган. Унинг билан бирга келган кипчоклар кейинчалик мамлакат таназзулига сабаб бўлган. Такаш даврида Хоразмшоҳлар давлати кучайган. У ўгли Қутбиддин Муҳаммадга марказлашган мустахкам давлат ва ташкилий жихатдан қудратли қўшинни мерос қолдирган.